

Ўзбекистон ва жаҳон

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Германия Федератив Республикаси ва Ўзбекистон ўртасидаги кенг миқёсли иқтисодий ҳамкорлик тобора кенгайиб бормоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўтган йилги товар айирбошлаш ҳажми 209,2 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич шу йилнинг тўққиз ойидаёқ 226 миллион АҚШ долларидан зиёд бўлди. Ўзбекистондаги 60 га яқин корхона германиялик сармоячилар иштирокида ишламоқда. Айниқса, «Мерседесбенц», «Алкатель», «Сименс» каби фирмалар, К. Аденауэр жамғармаси мустақил Ўзбекистон — Германия ҳамкорлигининг кашшофлари бўлиб фаолият кўрсатмоқдалар.

Наманган вилоятидаги жаҳон андозаси талабларига жавоб берадиган электрон рақамли замонавий алоқа мажмуи ҳам шу мамлакатнинг жаҳонга машҳур «Алкатель» концерни мутахассислари билан ҳамкорликда қуриб битказилди. Натижада Наманган шаҳрида 11 минг абонентга мўлжалланган марказий телефон станцияси, боғловчи каналлар, шаҳарлараро электрон рақамли станция, марказий коммутатор ҳамда алоқа хизмати кўрсатувчи тизим ишга туширилди.

Замонавий алоқа воситаларига эга бўлишни анчадан бери орзу қилардик, — дейди вилоят электр алоқа бошқармаси бошлиғи Ҳамидулла Нурматов. — Негаки, қарийб ўттиз йил олдин қурилган телефон станцияларимиз эскирган, ҳозирги кун талабларига мутлақо жавоб бермай қўйганди. Мустақиллик шарофати туфайли Германиянинг «Алкатель» концерни билан ҳамкорлик қилиш имконияти туғилди. Унинг кўмагида қисқа вақт ичида бу борадаги бир қанча муаммоларни бартараф этишга эришдик.

Жаҳондаги ривожланган ўнлаб мамлакатларда «Алкатель»нинг корхоналари мавжуд. Бизнинг фирмамиз ҳам унинг Ўзбекистондаги ҳуқуқий ворисидир, — дейди «Алкатель» бизнес систем Ўзбекистон» фирмасининг бош директори Олег Николаевич Хан. — Тошкентда бизнинг идорамиз, банкда эса ўз ҳисобимиз бор. Демокчиманки, биз Ўзбекистонга вақтинча эмас, балки доимий ҳамкорлик қилиш учун келганмиз. Эҳтиёжга қараб, туманларда ҳам янги алоқа мажмуиларини бунёд этиш ниятидамиз. Шу мақсадда маҳаллий ёшлардан мутахассис кадрлар тайёрлаймиз. Айни вақтда, бир йил давомида ускуналаримизнинг мукамал ишлашини кафолатлаймиз.

Янги алоқа мажмуининг фойдаланишга топширилиши муносабати билан Наманганда семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларнинг алоқа тармоқлари раҳбарлари, Наманган вилояти фаоллари иштирок этди. Улар «Алкатель» концерни ва унинг фирмалари томонидан кўрғазмага қўйилган, замонавий кичик автоматик телефон станциялари ва аппаратлар билан танишдилар.

А. МАДАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ДЕҲҚОНОБОД — тоғли туман. Юздан ортқикатта-кичик қишлоқларнинг аҳолиси асосан чорвачилик билан шуғулланади. Деҳқончилик ҳам чорвачилик манфаатлирига бўйсундирилган. Ҳўжаликлардаги сугориладиган ерларда озуқа экинлари етиштирилади, лалми майдонларга эса дон экилади.

ТУМАН ҳўжаликлрининг яйловлари қир-адирларда, тоғ чуққиларининг этакларида жойлашгани учун қиш фаслида бошқа жойларга нисбатан қор хийла кўп тушади. қишлов бирмунча чузилди. Шунинг учун тажрибали чорвалорлар қишловга алоҳида тайёргарлик билан келадилар. Қошар ва қўтонлар, молхоналар қишлов учун пухта шайланади, ем-хашак етарли миқдорда гамлаб қўйилади.

Ҳўш, бу соҳада Деҳқонобод туманида баҳор ва ёз ойларида, куз фаслида қандай чоралар қўрилади?

Тумандаги Мардон Иброҳимов номли жамоа-ширкат ҳўжалиги яйловларида 31 минг бошдан зиёд қўй ва эчки боқилмоқда. 60 отарлаги мавжуд 60 қўтон, 60 қошарнинг ҳаммаси барвақт таъмирланди. Қишлов жойларида чўпон-чуқилар учун 120 та уй жиҳозланди, ёнида ошхона ва танлирлар бўлиши таъминланди.

Қишлов учун эрта баҳордан бошлаб ем-хашак жамғариш, қишлов жойларига ташиб келтириш қизгин давом эттирилди. Урим-ингим техникаси, ишчи қўчалари тоғ ёнбағирларида ўнгирларда битган табиий хашакни жамғариб олишга сафарбар этилди. Натижа кўнгилдагидек бўлди. Мол учун уртача 15 центнердан озуқа гамлаб қўйилди. Айни пайтда жамғарилган озуқа майдаланиб, омборларга, айвонлар тагига жойлаб қўйилаётди.

Тумандаги «Қўнғирот» жамоа-ширкат ҳўжалиги бошқаруви раиси, тажрибали чорвалор Тожи Холтурраевнинг саяи-ҳаракати, ҳўжалик фаолларининг меҳнати туфайли бир неча йилдан буён қишлов жойларини қўриқлаш тажрибаси қў-

ланилаётгани яхши самара бераётди. Ҳўжаликдаги мавжуд 25 минг бош қўй-эчки баҳор ва ёз ойларида тоғ ёнбағирларидаги сёр-рўт ва сёрсув яйловларда боқилади. Тоғларда ёгингарчиликлар бошланиши билан даштга ҳайдалади. Шундай қилиб, чорва қиш фаслида боқилардиган яйловларга то қишлов бошлангунга қадар мол киритилмаиди. Ушбу тажриба қиш пайтида ўз самарасини бераётди.

Қишловда қўй-қўзилар узоқ яйловларга ҳайдалмасдан қошарларга яқин жойдаги мўл табиий хашакдан баҳраманд бўлаётди.

Ҳожи Бегимқулов номли жамоа-ширкат ҳўжалигида қишлов давомида чорва молларига ем-хашакни майдалаб, турли витаминлар билан тўйинтириб, димлаб бериш тажрибаси қўлланилган. Ҳўжалик бошқаруви раиси Ражаб Турақуловнинг айтишича, хашак майдалаб, димлаб берилса, исрофгарчиликнинг олди олинади, чорва моллари қишнинг қандай келишидан қатъий назар ориқлаб кетмаиди, маҳсулдорлик камаймаиди.

Тумандаги Ҳамид Олимжон номли, «Белибойли» жамоа-ширкат ҳўжаликларида ҳам қишловга намунали тайёргарлик қўрилгани, етарли миқдорда озуқа гамлаб қўйилганидан чорвалорларнинг кўнгли туқ, Улар бу ем-хашакни майдалаб, қишлов жойларига ташиб олаётдилар.

Тумандаги «Қизилча» жа-

моа-ширкат ҳўжалигида 2400 гектар майдонда галла етиштирилади. Ҳўжалик раҳбарларининг лўқайдиги, галла майсалари парваришини кўнгилдагидек ташкил этолмаганликлари оқибатида ҳосилдорлик паст бўлди. Борйўғи 4 центнердан дон ўриб-янчиб олинди. Ҳар йили қишлов учун жамғариладиган хашакнинг асосий қисми галлазорлардан оли-

кат ҳўжалигида ҳам қишловга тайёргарликдек чорвалор учун ҳал қилувчи паллага панжа орасидан қарамоқда. Ҳўжаликда 3 минг бош қўй-эчки, минг бош қорамол боқилади. 2500 тонна ем-хашак тўплаш режалаштирилгани ҳолда энди 1200 тонна хашак жамғариб қўйилди. Бу ерда ҳўжалик маъмурияти, мутахассислар билан ҳиссадорлик жамиятлари раисла-

Чорва қишловига тайёргарлик ҳам қўниқарсиз. Ҳўжалик ҳудудига 16,5 минг гектар ер бор. Унинг катта қисми тоғ ўрмонларидан, арчазорлардан иборат. Тоғ ёнбағирларидан табиий хашак тўплаш учун қўлай имкониятлар бор. Лекин ишни ташкил эта билмаслик, ҳиссадорлик жамиятлари раҳбарлари билан ҳўжалик мутахассислари ўртасидаги

ҳамкорлиқнинг етишмаётганиги бунга монелик қилиб турипти.

Деҳқонобод тумани ҳўжаликларида 171 мингдан зиёд қўй ва эчки, 9660 бош қорамол, қарийб 23 минг парранда боқилмоқда. Чорвачиликда қўзга қўринарли натижаларга эришиш, қўлаб гўшт, сут, туҳум

етиштириш, жун, қоракўл тери олиш, туёқ сонини қўпайтириш учун қишловни муваффақиятли ўтказиш, молларнинг туқ ва иссиқ қишлашини таъминлаш катта аҳамиятга эга. Чунки, қишловдан семиз ва ўрта семизликда чиққан моллардангина соғлом насл олиш мумкин. Маҳсулот етиштириш ҳам кўнгилдагидек бўлади.

Туман чорвалорлари мавжуд қўй-эчкилар қишлайдиган яйловларда бунёд этилган 305 та қўтон ва қошарларни, 62 та молхона таъмирлаш учун маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланилди. Лекин қўпгина ҳўжаликларда қишловнинг муваффақиятини таъминлашда бош омил бўладиган етарли миқдорда озуқа жамғариб қўйиш қўниқарсиз аҳволда.

Туман яйловларига ҳозиргача қор тушган эмас, уст-ма-уст ёгингарчиликлар бўлиб ўтгани йўқ. Демак, чорва молларининг аксарият қисми ҳанузгача қўлга қараб қолмаган, далаларда, тоғ ён-

бағирларида битган ўт-ўланлардан, табиий хашакдан баҳра олиб туришибди. Қиш қишлигини қилади. Айниқса, Деҳқонобод шароитида қишда қорнинг кўп тушиши, ҳафталаб яйловларни қор қўлаб ётишини назарда тутадиган бўлсак, синов кунлари олдинда.

Туман ҳўжаликлари учун ҳар бир шартли мол ҳисобига 13 — 15 центнер озуқа бирлиги миқдорига ем-хашак зарур. Утган йили шу даврда бу кўрсаткич 9 центнер бўлган эди. Шу йилнинг 11 ойи ўтаётганига қарамай, ҳар бир шартли мол ҳисобига 6,5 центнер озуқа бирлиги миқдорига озуқа жамғарилганини нормал ҳол деб бўлмайди. Қишлов учун 20 минг 477 тонна озуқа бирлиги ҳисобида ем-хашак жамғарилиши режалаштирилган ҳолда, энди, 13 минг тонна озуқа бирлиги миқдорига хашак жамғарилди.

Туман ҳокимлигидан, «Деҳқонхизмат» уюшмасидан берилган маълумотларда ҳўжаликларда қишлов учун ем-хашак жамғариш ҳануз давом этаётгани, бу иш билан жойларда ташкил этилган 112 та ем-хашак бригадаси шуғулланиётгани, уларга 112 та автомашина, 216 та тележка, 100 га яқин хашак ўрадиган, 70 та хашак йиғадиган, 25 та пресслайдиган механизм бирикитилганлиги ва бeтўхтов ишлатилганлиги билдирилади. Ҳақиқатда эса, бу ем-хашак бригадаларининг аксарияти аллақачон ўз фаолиятини тўхтатиб қўйган.

Жамоат чорвасини қўпайтириш, маҳсулдорликни ошириш ўз-ўзидан амалга ошиб қолмаиди. Бунинг учун жон қойитиб ишлаш, бошқаларни ҳам шунга ундаш, йўналтириш лозим. Деҳқонобод тумани ҳокимлигида, хусусан, раҳбарларида ана шу ташкилотчилик, жамоат манфаатлари учун жон қойитишдек фидойилик етишмай турипти.

Ўзат ГАДОВЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖОНИВОРЛАРГА БАҲОНА ЭМАС, ЕМ-ХАШАК КЕРАК

надиган сомон ҳисобига тўпланди. Бу йил сомон ҳам ўзига яраша олинди. Айрим ҳўжаликларда сомонга таътиқиб ўтирилгани йўқ. Табиий хашак, қаррак, момик, шўр каби қўй-эчки учун қиш фаслида тўйимли озуқа ҳисобланадиган ўт-ўланлар етарли жамғарилгани ҳолда «Қизилча» жамоа-ширкат ҳўжалигида иш наридан-бери ташкил этилди. Натижада ҳўжаликнинг 22 минг 305 бош қўй-эчкиси учун зарур бўладиган 3 минг тонна урнига, 1300 тонна озуқа гамланди. Тўпланган озуқани майдалаш, қишлов жойларига ташиб олиш иши ҳам талаб даражасида ташкил этилмаётди.

Ҳўжаликдаги 50 дан зиёд қошарларнинг энди 30 таси таъмирланди. Чўпон уйлари қишга тайёрлаш, уларнинг эҳтиёжи учун ун, сабзавот етказиб бериш ҳам ҳўжалик раҳбарларининг назаридан четда турипти.

Раҳматулла Тошматов раислик қилаётган Усмон Юсупов номли жамоа-шир-

рининг умумий тил топишолмаётгани натижасида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш қўпайиш ўрнига қамайиб кетаётди. Бу қишловга тайёргарлик борасидаги ишларга ҳам панд бериб турипти.

«Бошчорбоғ» жамоа-ширкат ҳўжалигида ҳам худди шундай аҳволини кўриш мумкин. Ҳўжаликда ташкил топган, «Боғизагон» ҳиссадорлик жамиятида (раиси Рашид Маматқулов) маҳсулот етиштириш кескин қамайиб кетди. Абдуғани Эргашев раислик қилаётган «Лалми-қўлмат» ҳиссадорлик жамиятида ҳам тоғдор моллар қамайитириб юборилди.

Бундан икки йилча муқаддам ҳўжаликда 3 минг бош парранда бор эди. Паррандчилик бўйича ҳам бу ерда ҳиссадорлик жамияти ташкил топди. Унга Қўлош Худойров етакчилик қила бошлади. Қарорсизлик натижасида товуқлар бутунлай йўқотиб юборилди. Ҳозир ҳўжаликда биронта ҳам парранда йўқ.

"ЎЗДУНРОБИТА" ҚЎШМА КОРХОНАСИ УЯЛИ РАДИОТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"Ўздунробита" Ўзбек-Америка уяли алоқа қўшма корхонаси тармокни модернизациялаш ишларини ниятсизга етказди ва Ўзбекистоннинг уяли алоқа тизимини илгариги NMT-450 андозасидан янги ва янада замонавий, ягона AMPS андозасига ўтказди.

Шу муносабат билан "Ўздунробита" ҚК си 1995 йилнинг 1 декабригача бўлган мўддатда "Нокия" фирмасининг NMT-450 (Мобира, Ситиман, Талкман) андозасидаги аппаратларини "Моторола" фирмасининг AMPS андозали янги аппаратларига БЕПУЛ АЛМАШТИРАДИ.

•Юқорида кўрсатилган русумдаги аппаратлари бўлган ҳўрматли уяли алоқа абонентлари!

Радиотелефон аппаратларингизни "Ўздунробита" ҚК да 1995 йил 1 декабргача янги сизга алмаштиринг ва бу билан қўидаги қўшимча бепул имтиёзларга эга бўлинг:

- ҳажми кичик ва имконияти катта янги телефон аппарати;
- янги, янада қўчлиқ қувват блоки батареяси;
- кафолати - 1 йил!


"Моторола"нинг янги аппарати Ўзбекистоннинг бенга шаҳри - Тошкент, Самарканд, Урганч, Қарши, Бўхоро шунингдек, Қозонистон ва Қирғизистонда уяли алоқадан қўшимча харажатларсиз фойдаланиш имконини беради!

1995 йил 1 декабрдан сўнг хизмат кўрсатиш тўла янги аппаратларга ўтказилади.

Диққат! 1995 йил 5 декабрдан радиотелефон аппаратларини алмаштириш тугалланади ва ундан сўнг даъволар қабул қилинмаиди.

Белгиланган мўддатда "Нокия" аппаратларини "Моторола"нинг энг янги аппаратларига алмаштиринг ва сиз уяли алоқанинг таклиф этилаётган замонавий техникасининг катта афзалликларида ишонч ҳосил қиласиз!

"Ўздунробита" ҚК маъмурияти.



Алмаштиринг



**Энди
бу мўъжизавий аппарат
сизники!**

Телефонлар: (3712) 44-17-09, 44-32-08. Факс: (3712) 40-26-68.

1 2 3 4 5 6